

Иқтисодий-хукуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ХУКУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган хужжатларнинг тўлиқ матни билан
www.norma.uz сайтида танишиб чиқишиниз мумкин.

ХУЖЖАТЛАР МУВОФИКЛАШТИРИЛДИ

2011 йил 27 октябрдаги ПФ-4374-сон Президент Фармони билан Президентнинг айрим хужжатларига ўзгартишлар киритилди.

Чунончи, «Бартер асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари бўйича тартиб бузилишлари ва сунистемолликларга чек кўйиш тўғрисида»ги Президент Фармонидан (1993 йил 9 июль, ПФ-616-сон) солик солинадиган бартер контрактлари бўйича истеъмол эҳтиёжларини ва хўжаликларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида истисно тартиб асосида нефти қайта ишлаш, курилиш маҳсулотлари, ёғоч-тахта материалларини олиб киришга йўл кўювчи меъёр чиқариб ташланди.

Шунингдек, «Экспорт-импорт операцияларини тартибига келтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармонидан (1995 йил 11 апрель, ПФ-1096-сон) истисно тарзида бартер бўйича экспорт-импорт операцияларини амалга ошириша Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг рухсати олинишини назарда тутувчи меъёр чиқариб ташланди.

Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисидаги низомга (1994 йил 20 апрелдаги ПФ-837-сон Президент Фармони билан тасдиқланган) киритилган ўзгаришиларга кўра, хо-риждан валюта тушумининг 30 банк куни муддатидан кечикириб туширилишига йўл кўйган юридик резидент-шахслар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – 60 банк куни) белгиланган муддатлар ўтганидан сўнг республика бюджети даромадига кўйидаги микдорда жарима тўлайдилар:

валюта тушуми туширилиши белгиланган муддатлардан 180 кун кечикирилган ҳолларда – келиб тушмаган валюта маблағи суммасининг 10 фоизи эквивалентида;

валюта тушуми туширилиши белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикирилган ҳолларда – келиб тушмаган валюта маблағи суммасининг кўшимча 20 фоизи эквивалентида;

валюта тушуми туширилиши белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикирилган ҳолларда – келиб тушмаган валюта маблағи суммасининг кўшимча 70 фоизи эквивалентида.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомдан (2007 йил 7 июняғи ПК-649-сон Президент қарори билан тасдиқланган) бир коннинг бир нечта ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ишга туширилишини «Саноатгеоконтехнозорат» давлат инспекцияси ва Давлат табиатни мухофаза қилиш қўмитаси билан келишишни назарда тутувчи меъёр чиқариб ташланди.

«Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноконуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонидан (2000 йил 4 март, ПФ-2559-сон) ҳалқ истеъмол қиласидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рангли металлар парчалари ва чиқиндиларидан фойдаланиш учун Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация



Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИБ

Мамлакатимизда
тадбиркорлик соҳасида
рухсат бериш тизими
мақбулаштириш
юзасидан изчил
ислоҳотлар амалга
oshiрилмоқда.

«Тадбиркорлик фаолияти
соҳасида рухсат бериш
тартиб-таомиллари
тўғрисида»ги қонун
лойиҳаси устида олиб
борилган ишлар бу

йўналишда салмоқли одим
бўлди. Ана шу қонун хужжати қабул қилингач, давлат бизнес соҳаси жамоаларининг

ҳар иккала тараф манбаатлари мувозийлигига асосланган ҳамкорлик ҳаракатларининг

янгича мафкура-гоясини шакллантириш учун пойдевор бўлиб қоладиган рухсат бериш

тизимининг асосий принциплари ва қоидаларини мустаҳкамлаш имкони яратилади.

Жорий йилнинг августида қонун лойиҳаси парламент куйи палатасида биринчи ўқишида қабул қилинди. Ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гурӯхи қонун лойиҳасини такомилига етказиш, тадбиркорларнинг, турли вазирлар ва идораларнинг, экспертлар ва депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш устида иш олиб бормоқда. Шундан кейин мазкур қонун лойиҳаси Конунчилик палатаси мұхокамасига иккинчи ўқишида киритилади.

СОДДАЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛМОҚДА

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзЛиДеп фракцияси аъзоси Фахриддин ЗОИРОВ:

– Хар тарафлами пухта ўйланган қонун лойиҳасини яратиш ишларига атрофлича ёндашиш, рухсат бериш тартиб-таомиллари жабхасида бутунлай бошқача идора этиш тизимини вуҳудга келтиришга қаратилган аниқ нормалар ишлаб чиқиш мақсадида Қўмитамида ишчи гурӯхи тузилган. Вазирлар ва идораларнинг рухсат бериш тизими масалаларини расамадга солувчи норматив-хукукий хужжатларини таҳлил этиш орқали бу борадаги ишлар ҳақида холис ва умумлашма холосага эга бўлдик. Хусусан, шу асосда тадбиркорлик нуктаи назаридан энг муаммоли жиҳатлар ҳам, самарали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга монелик қилаётган фовтўсиқлар ҳам аниқланди.

Умуман олганда, ваколатли



органлар фаолиятининг амалдаги норматив базаси бизнес соҳасининг ҳалол ва вижданли субъектларини рафтаблантириш вазифасини ўтамаяпти, аксинча баъзан ҳар хил фовтўсиқ ва чекловлар келтириб чиқармоқда. Шунингдек ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан тартибиға солувчи органлар фаолиятининг зарур даражадаги бирлиги, уйғунлиги ва мувофиқлаштириб борилишига эришилмаяпти. Бундан, шак-шубҳасиз, тадбиркорлик манбаатларигагина эмас, давлат манбаатларига ҳам зарар етмоқда.

Ана шу сабабли қонун лойиҳасида тадбиркорлар билан давлат хизматчилари ҳамкорлигининг асосий жиҳатлари муфассал акс эттирилди, рухсат бериш хусусиятидаги тегиши хужжатларни олиш босқичлари аниқ таърифлаб ўтилди. Ҳудди шунингдек бундай хужжатларни беришга даҳлор органларнинг бу борадаги вазифалари

2-бетда

1-3-бетлар
Янги қонун: рухсат бериш таомиллари такомиллашади

4-бет
Ҳакамлик судъялари билан танишинг

5-10-бетлар
«Биз яшайдиган уй»:
Газ ҳисоблагичлар атрофидаги можаролар

\$1 = 1769,22 сўм

€1 = 2453,05 сўм

£1 = 2834,64 сўм

¥10 = 226,42 сўм

ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИБ

зарброк ва муҳимроқ вазифаларни адо этиш имконини беради.

МУДДАТ ЖУДА ЗИҚ

– Кўпинча ваколатли идоралар руҳсатномалар бериш хусусида қарор қабул қилиши чўзиб юборадилар. Бу тартиб-таомилларнинг вақт бобида аниқ ҳад-чегараси белгилаб қўйилмоқдами?

– Албатта. Қонун лойиҳасида вақт бобида чеклов аниқ белгилаб қўйилган. Тадбиркорлик субъектларининг руҳсат бериш хусусиятидаги ҳужжатлар берилиши сўралган аризаларини кўриб чиқиш муддати руҳсат бериш сўралаётган фаолият талаб этаётган ўзига хос жиҳатларни инобатга олган ҳолда белгиланган, лекин бу муҳлат ариза берилган пайтдан эътиборан ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак. Руҳсат бериш хусусиятидаги ҳужжат бериш сўралган аризани тақороран кўриб чиқишга 10 иш кунидан иборат муддат ажратилмоқда.

Шу билан бирга қонун лойиҳасида руҳсатнома ҳужжатлари бериш тўғрисидаги аризаларни ваколатли органлар томонидан ўзига хос жиҳатларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқишининг бошқача муддатлари белгиланадиган фаолият турлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши зарурлиги ҳам айтиб ўтилган.

СУКУТ - РИЗО АЛОМАТИ

– Давлат органлари аризаларни кўриб чиқиш муддат-

ларига риоя этаётганлиги қай йўсинда назорат қилинади?

– Бу жиҳат қонун лойиҳасида туб асосли равишда ҳал этилган. Руҳсатнома олишда «сукут асосидаги розилик» принципи моҳият-эътибори билан мамлакатимиз қонунчилигига инқилобий деса бўладиган нормадир. Бу ўнгалик шуни англатадики, берган аризасига белгилаб қўйилган муддат мобайнида давлат органидан жавоб олмаган тақдирда тадбиркорлик субъекти ваколатли органнинг ёзма хабарномасидан кейин руҳсатнома ҳужжати сўраган фаолияти соҳасида иш олиб бориш ҳуқуқини ўз-ўзидан (автоматик тарзда) олади.

Шубҳасиз, бу принцип тадбиркорлик субъектларининг аризаларини кўриб чиқиш муддатларини чўзишдек норматив амалиётни таг-томири билан барҳам топтириш имконини беради. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, «сукут – ризо алмати» принципи руҳсатнома бериш тартиб-таомилларни ислоҳ этишга киришган бир қанча ривожланган мамлакатлarda руҳсат берувчи ҳужжатларни бериш муддатларига риоя этилишини назорат қилишнинг таъсирчан механизmlаридан бири саналади. Бу нарса хусусан Испания ва Италияning «Маъмурий тартиб-таомillар тўғрисида»ги қонунларида назарда тутилган.

Қолаверса, руҳсат бериш хусусиятидаги янги ҳужжат, агар уни амалиётда қўлланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ва мақсадга мувофиқ бўлса, мазкур рўйхатга киритилмоғи даркор.

Бугунги кунда умуман олганда, мамлакатимиз амалиётида руҳсат бериш тизимини мақбулаштиришнинг концептуал асоси барпо этилган. Хусусан, ишчи гурӯх руҳсат бериш тартиб-таомillарини қисқартириш ва соддالаштириш юзасидан салмоқли ишларни амалга ошириди. Жумладан, бир қанча эскириб қолган тартиб-таомillар бекор қилинди, баъзилари тақорийликни бартараф этиш мақсадида ўзига ўхшаш тартиб-таomillar билан бирлаштирилди, шунингдек янги руҳсатномалар

РЎЙХАТ - МУКАММАЛ

– Мансабдор шахсларнинг ваколат доирасидан четга чиқиши имкониятини истисно этишга олиб келадиган ҳар қандай норматив ҳужжатнинг узвий қисмларидан бири тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини аниглаштириб қўйиш бўлса керак. Бу масала қонун лойиҳасида қай тахлит тажасум топган?

– Рост айтдингиз. Айни шу сабабли ҳар хил турдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун руҳсатнома олиш мақсадида тақдим этиладиган ҳужжатларнинг муфассал ва мукаммал рўйхатини белгилаб берувчи норма қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан биридир. Бунда шу нарса ҳам қайд этиб ўтилганки, руҳсат берувчи ҳужжатларнинг янги турларини жорий этишга фақатгина қонун лойиҳасида назарда тутилган рўйхатга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган тақдирдагина йўл қўйилади. Бу билан руҳсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати бир қонуннинг ўзида ўз ифодасини топганилиги тадбиркорлик субъектларини қонуности ҳужжатлari билан киритилувчи, қандайдир манфаатларни кўзловчи қарорлардан, шунингдек қонун ҳужжатларига тез-тез ўзгартишлар киритишдан пухта ва ишончли ҳимоя этиш имконини беради.

Қолаверса, руҳсат бериш хусусиятидаги янги ҳужжат, агар уни амалиётда қўлланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ва мақсадга мувофиқ бўлса, мазкур рўйхатга киритилмоғи даркор.

жорий этишнинг аниқ мезонлари белгилаб қўйилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида руҳсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар, амалга ошириш ва шуғуланиш учун тадбиркорлик субъектлари руҳсат бериш тартиб-таомillariдан ўтиши ва руҳсат бериш хусусиятидаги ҳужжатлар олиши лозим бўлган ҳаракатлар ва фаолият турлари рўйхатидан 112 та руҳсатнома чиқарилди. Пировардида рўйхатда руҳсат бериш хусусиятига эга бўлган 271 ҳужжат қолди.

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомillari тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, шак-шубҳасиз,

руҳсат бериш тизимини ислоҳ этишнинг муҳим стратегик бошқичи бўлиб қолади. Фракциямиз мазкур Қонун янги руҳсат бериш тизимини шакллантиришнинг пухта ва ишончли негизи бўлиб қолиши учун ҳаракат қиласди. Зотан бу тизим соғлом ракобатни рафбатлантиришга қодир, очиқ-ошкора бўлиб, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради, шу зайл маҳаллий ва хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини рафбатлантиради, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини таъминлайди.


Сұхбатни мұхбіримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллиги араfasida Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулаги ишбилармөнлик мұхитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (2011 йил 24 августандаги ПФ-4354-сон Фармон) ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2011 йил 25 августандаги ПК-1604-сон қарори) қабул қилинганини мамлакатимизда ишбилармөнлик мұхитини яхшилаш, тадбиркорлик учун қулаги шароит яратиш, тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги ролини ошириш борасида муҳим омил бўлди.

Давлат раҳбарининг ушбу Фармонида қайд этилганидек, «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсиқнлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, солиқ ва назорат идоралари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берадиган маъмурӣ регламент тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Очиқлиги таъминланмаган кўплаб руҳсат бериш тартиблари ҳамон сақланиб қолмоқда». Фармонда тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тизимини янада такомиллаширишнинг бир қатор масалалари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Мамлакат Президентининг қарори билан 50 та руҳсат бериш тартиботи бекор қилинган ҳамда шу нарса белгилаб қўйилганки, «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари га қонун ҳужжатларida назарда тутилган, шу жумладан ишлаб чиқариш объектларини куриш ва реконструкция килиш учун зарур бўлган руҳсат этувчи ҳужжатларни бериш «бир дарча» тамоилии бўйича амалга оширилади, бунда ваколатли давлат органларига уларни зарур ҳолларда келишишини таъминлаш вазифасини юклатилади; руҳсат этувчи ҳужжатларни бериш муддати тадбиркорлик субъектлари ариза берган вақтдан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаган ҳолда чегараланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган алоҳида хусусиятили фаолият турлари бундан мустасно».

Вазирлар Маҳкамасининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва руҳсат бериш тартиботларини амалга оширишда давлат бошқарув функцияларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (2011 йил 17 октябрдаги 283-сон қарор) билан яна 12 та руҳсат бериш тартиботи қисқартирилди, давлат бошқарув органларининг, давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжатлари билан жорий этилган умуммажбурий хусусиятидаги 3 та тартиботни бекор қилиш вазифаси Адлия вазирлигига топширилди.



ВАЛЮТАНИ СОТИШ МАЖБУРИЙДИР



**Асосий фаолият түри бўйича
биз тайёрлов ташкилотимиз
(ХХТУТ бўйича кодимиз
81100).**

**Ташкилотимиз ёнғоқ сотиб олиш ва
уни истеъмол учун тайёр кўринишда экспорт
қилиш ниятида. Бунда қўйидаги
жараёнлар назарда тутилади:**

тозаланмаган кўринишда ёнғоқ сotiб олиш; ёнғоқни қақишига тайёрлаш (қобигидан тозалаш); ювиш; сувда дамлаш; сиртини куритиш; қўлда чакиши ташкил қилиш; саралаш (ранги, яхлитлиги, сифати бўйича); калибрлаш (ҳажми, шакли бўйича); тозаланганд үзакни (тижорат номи – «магиз») икки бўлакка (тижорат номи – «капалак») ажратиш; ўраб-жойлаш, маркировкалаш.

Ушбу мақсадда анжомлар (тахталар, болғачалар, столлар, ванналар ва бошқалар) харид қилинади, шунингдек юқорида кўрсатилган ишларни қўлда бажарадиган ходимлар ёлланади.

Ушбу фаолият кичик корхонани валюта тушумини мажбурий сотишдан озод этадиган қайта ишлаш фаолияти ҳисобланадими?

Хурмат билан М.Дулиев,
директор.

– Божхона кодексининг 30-моддасига кўра, товарларни қайта ишлашга қўйидагилар киради:


товарларни бевосита қайта ишлаш ёки уларга ишлов бериш, шу товарларнинг ва фойдаланилаётган бошқа товарларнинг йўқоладиган ўзига хос хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда;

янги товарларни тайёрлаш, шу жумладан товарларни уларнинг асосий хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда монтаж қилиш, йиғиш ёки қисмларга ажратиш;

товарларни таъмирлаш, шу жумладан уларни тиклаш, янгилаш ва тартибга келтириш, уларнинг шикастланган ёки эскириб қолган таркиби қисмларини (элементларини) алмаштириш ёки тиклаш, шунингдек нуқсонларини бартараф этиш;

товарларни қайта ишлашга ёрдам берадиган ёхуд бундай ишни енгиллаштирадиган бошқа товарлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби (Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига' 1-иолова) 3-бандининг «е» кичик бандига биноан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан микро фирмалар, кичик корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар,



хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушуми озод этилади, газ экспорти ва транзитини амалга оширадиган корхоналардан ташқари.

Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни кўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларининг (АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 5-бандига мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхона ўзи томонидан ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисбага олган ҳолда, ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулот (жумладан ярим тайёр маҳсулот) тушунилади.

Кўрсатилган Қоидалар 6-бандининг учунчи

хатбошисига кўра товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишини ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш, қадоқлаш ишлаб чиқариш технологик жараёни бўлиб ҳисобланмайди.

Юқорида баён этилганлар асосида келиб чиқадики, **сиз кўрсатган ёнғоқларни тайёрлаш жараёнлари товарларни қайта ишлашга кирмайди**, чунки ёнғоқлар ўз хусусиятларини йўқотмайди. Товар туркумини майдалаш, уларни жўнатишини ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш, қадоқлаш ишлаб чиқариш технологик жараёнига кирмайди, шу сабабли мазкур ҳолда хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилиш бўйича имтиёз кўлланмайди.

Фарруҳ ШОДИЕВ,
«Norma» МЧЖнинг
хуқуқий масалалар бўйича
стажёр эксперти.

ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ*

T/p	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.Ш.)	T/p	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.Ш.)
1.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпогистон Республикасидаги филиали (Нукус шаҳри, Утепов кўчаси, 35-йй)	N 2 28.08.2011 й.	1. Алиева Рано Алиевна 2. Тилегенов Марат Хожабаевич 3. Алашева Клара Шерниязовна 4. Сапаров Абаз Утепбергенович 5. Бердимуратов Бахит Оразбаевич 6. Касимова Мехрибан Таймановна 7. Аллабергенова Нилуфар Реимбаевна 8. Аймуратова Ариухан Юсуповна 9. Курбанов Генжебай Реймович 10. Байназарова Злиха Абатбаевна 11. Абуова Наргиза Оринбековна 12. Атажанова Жанилсин Жумабаевна 13. Розимбетов Абдула Сапаевич 14. Уразбаев Матъякуб Адилович 15. Баймуратов Амирбай Турсинбекович 16. Джумагелдиев Абатжан Курбаниязович 17. Карапашев Полатбек Сарсенбекович 18. Юсупов Рустам Тахирович 19. Сарибаев Жалғас Турғанбаевич 20. Жуманиязов Улутбек Мамбетсабурович 21. Ешмуратова Замира Сабураевна 22. Нуратдинов Зинатдин Караматдинович 23. Конусов Ахмет Юсупович 24. Бектурсинов Тимур Шарапатдинович	2.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси Балиқчи туман бўлими (Андижон вилояти, Балиқчи туман, Балиқчи шоҳ кўчаси 49-йй)	N 71 02.08.2011 й.	1. Дадаҳонов Махаммадулла Мирзапаровиҷ 2. Мамажонов Адилжон Бакирович 3. Аҳмедов Олимжон Маматқосимович
				3.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси Андижон туман бўлими (Андижон вилояти, Андижон туман ҳокимлиги биноси)	N 75 09.09.2011 й.	1. Ахунжонов Шоҳруҳ Шакирович 2. Турғунов Орифжон 3. Қосимов Муроджон Қобилович
				4.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Жиззах шаҳар ҳакамлик суди (Жиззах шаҳар, Ш. Рашидов кўчаси, 63-йй)	N 003 16.09.2011 й.	1. Ахманов Рахматулла Баҳридинович 2. Ботиров Сунатилла Муратович 3. Тўйчиев Ўлмас Алтинбоеvич
				5.	Тошкент шаҳар "BONA FIDES" адвокатлик фирмаси (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Иброҳим ота кўчаси, 5а-йй)	N 25 09.09.2011 й.	1. Газиев Улугбек Муйдинович 2. Аллаберганова Шахида Баҳрамовна 3. Исмаилов Алишер Баҳтиярович 4. Юнусов Ботир Ортиқовиҷ

*«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 41-сон, 450-модда.



БИЗ ЯШАЙДИГАН ҮЙ

Маърифий мавзудаги нашр

ШУ СОННИНГ МАВЗУСИ

**Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси
коммунал хизматлар истеъмолчиларига ёрдам бермоқда**

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ АСБОБЛАРИ ТЕКШИРТИРИЛАДИГАН ФУРСАТ КЕЛДИ

Ўз даврида анчагина машҳур бўлган кинофильм қаҳрамонларидан бири лотерея билетларини сотиб олмаганларнинг гази ўчириб кўйилади деб айтган ҳазиломуз гап эндиликда уй-жой ва коммунал хўжалиги жабҳасида истеъмолчиларга таъсир ўтказишнинг гайриқонуний воситаси сифатида сингишиб кетди дейишига асослар бор. Бу газ соҳаси ходимларигагина эмас, коммунал хўжалигининг бошқа жабҳасидагиларга ҳам тааллуқлидир. Бизда таъминотчининг хизмат кўрсатувчиларга муайян ҳолларда, айтайлик, қилинган истеъмол юзасидан тўлов тўланмаган¹ тақдирда, истеъмолчиларга ресурслар етказиб беришни тўхтатиб (узиб) қўйиш хукуқи берилган. Уй ёки квартирага ўзбошимчалик билан: газ ўтказиб олингандан, қўшимча газ асбоблари ўрнатилгандан; газ асбобларини бошқа жойга кўчирилгандан ва шу сингари ҳолларда газ берилиши тўхтатиб қўйилиши мумкин². 2005 йил 1 сентябрдан эътиборан газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозланмаган квартираларга ва якка тартиbdагi уй-жойларга газ беришга ҳам тақиқ белгиланди³. Бироқ коммунал соҳа ходимлари баъзан газни ўчириб қўйиш билан пўписа қилишга берилиб кетиб, белгилangan чегарарадан ҳам ўтиб кетадилар ва шу аснода қонун ҳужжатлари нормалари ва истеъмолчилар хукуқларига беписанд муносабатда бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (бундан буён матнда Монополиядан чиқариш қўмитаси деб юритилади) маълумотларига қараганда, газ таъминоти билан шуғулланувчи ташкилотлар ходимларининг қонунга хилоф ҳаракатлари устидан истеъмолчиларнинг мурожаатлари, таъбир жоиз бўлса, ёғилиб кетди. Газ ҳисоблагич асбобларини текширтириш, уларни ўрнатиш ва шу кабилар билан боғлиқ, фойдаланилмаган табиий газ учун асоссиз равишда пул ҳисоблаб чиқарилганини устидан Монополиядан чиқариш қўмитасига келаётган шикоятларнинг кети узилмаяпти. Шуниси ҳам борки, кўп ҳолларда истеъмолчиларга газ бериш тўхтатиб қўйилган. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида Монополиядан чиқариш қўмитасига тушган, уй-жой ва коммунал хўжалигига тааллуқли мурожаатларнинг тахминан 42 фоизини газчилар устидан берилган шикоятлар ташкил этади.

Монополиядан чиқариш қўмитаси мутахассислари истеъмолчиларнинг аризаларини дикқат билан ўрганиб чиқдилар, газ таъминоти ва газ ҳисоблагич асбобларини ишлатиш билан боғлиқ муаммо келтириб чиқарган сабабларни таҳлил этиб, тегишли чоралар қабул қилдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай мурожаатларнинг 90 фоизи истеъмолчилар фойдасига ҳал бўлди ва газ таъминоти билан шуғулланувчи ташкилотлар (бундан буён матнда Газ таъминоти идоралари деб юритилади) жами 85,3 млн сўмдан ортиқ миқдорда асоссиз ҳисоблаб чиқарилган қарзларни қайта ҳисоб-китоб қилди. Монополиядан чиқариш қўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя этиш бошқармаси бошлигининг ўринbosари Акбаржон АБДУРАЗЗОҚОВ билан мусоҳабамиз шу хусусда бўлди.

¹Мамлакат Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кётишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 11 февралдаги ПК-5-сон қарори.


²Ўзбекистон Республикаси худудида рўзгорда газдан фойдаланиш қоидалари. АВ томонидан 1997 йил 14 октябрда 370-сон билан рўйхатдан ўтказилган (бундан буён матнда Газдан фойдаланиш қоидалари деб юритилади).

³Вазирлар Махкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2002 йил 28 марта 99-сон қарори.


*Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.

МУНДАРИЖА:

- ✓ Газ ҳисоблагич асбоблари текширтириладиган фурсат келди
- ✓ Хукуқ ва бурчларингиз шартномада белгиланган
- ✓ Иситиш тизимини демонтаж қилмоқчиман
- ✓ Кичкина хатонинг катта муаммолари
- ✓ Градусни қандай қилиб кўтариш керак?
- ✓ Узилишлар ҳақини ўзимиз тўлашимизга тўғри келади
- ✓ Ахборот бермаганлик учун жарима



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



**– Акбаржон Абдулжабборович, истеъмолчи-
ларнинг газ таъминоти борасидаги мурожаат-
лари хусусияти қай тарафга ўзгармокда?**

– 2011 йилнинг тўқиз ойи мобайнинда истеъмолчиларнинг Кўмитамизга келиб тушган мурожаатларини таҳлил қилиш шундай манзарани намоён этди. Монополиядан чиқариш Кўмитасига истеъмолчилардан газ таъминотининг турли жиҳатларига тааллуқли 488 та мурожаат тушди. Шулардан 144 тасида (29,5 фоиз) ишлатилмаган газ учун асоссиз равишда қарз ҳисоблаб чиқарилганлиги устидан, 135 мурожаатда (28,5 фоиз) газ ҳисоблагич асбобларини вақтида текширувдан ўтказилмаганлиги учун асоссиз равишда қарздорлик ҳисоблаб чиқарилганлигидан шикоят қилинган; 60 шикоят (12,2 фоиз) газ босими пастлиги билан, 46 шикоят (9,4 фоиз) газ етказиб беришда узилишлар содир бўлганлиги билан, 28 шикоят (6 фоиз) газ ҳисоблагичларни текширувдан ўтказиш зарурлиги хақида истеъмолчилар вақтида хабардор этилмаганлиги билан боғлиқ эди.

Масалага жўрофия нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бундай мурожаатлар борасида Тошкент вилояти илдамлик қилмоқда. Жорий йилнинг тўқиз ойи мобайнинда Кўмитамизга мазкур вилоятдан газ таъминотининг турли масалалари юзасидан 131 ариза, Хоразм вилоятидан 77, Самарқанд вилоятидан 66, Фарғона вилоятидан 62, Тошкент шаҳридан 55 ва Бухоро вилоятидан 22 ариза келиб тушган.

Мурожаатлар кўриб чиқилганидан кейин истеъмолчиларнинг аксарият қисмига асоссиз ҳисоблаб чиқарилган қарз юзасидан қайта ҳисоб-китоб қилинди. Бу сумма Тошкент вилояти бўйича 26,5 млн, Самарқанд вилояти бўйича 18,9 млн, Хоразм вилояти бўйича 12,5 млн, Бухоро вилояти бўйича 8 млн ва Фарғона вилояти бўйича 6,5 млн сўмни ташкил этди.

Газ таъминоти масалаларида дахлор мурожаатларда таркибий ўзаришлар содир бўлди. Агар илгарилари асосан газ босими паст эканлиги, газ кам етказиб берилаётганлиги устидан шикоят қилинган бўлса, эндиликда асосан газ ҳисоблагич асбоблари вақтида текширувдан ўтказилмаганлиги боис асоссиз равишда ҳисоблаб чиқарилган қарздорлик билан боғлиқ мурожаатлар олдинги ўринни эгаллаб турибди.

БИР МИЛЛИОН СЎМ ТЎЛАШИНГИЗ КЕРАК

– Юқорида айтилган тамойилларни аниқ мисоллар билан кўрсатиб бериш мумкинми?

– Мумкин, албатта. Мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларига хос З та ибратомуз мисол келтирсак. Бизга пойтахтнинг Миробод туманидаги бир аёл ҳеч қандай огохлантиришсиз газ кувурини узиб, газ беришмаётганлиги муносабати билан мурожаат этди. Маълум бўлишича, у газ ҳисоблагич асбобини вақтида текшируvдан ўтказмаган экан. Унга истеъмол қилинган газ учун ўртача тариф бўйича ҳақ ҳисоблаб чиқаришган. Натижада уни ақловор қилмайдиган миқдорда, яъни 1 млн 37 минг сўм қарздор қилиб қўйишган. Бундай ёндашув истеъмолчилар хукукларини бузиш ҳисобланади, негаки газ ҳисоблагич текшируvдан ўтказилиши хусусида уни хабардор этишлари керак эди. Энг қизиги шундаки, аёл ҳисобидаги қарз сунъий равишда келтириб чиқарилган экан. Негаки, у ҳисоблагични 2009 йили текшируvдан ўтказдирган. Газ таъминоти идораси ходимлари қандайдир сабаб билан бу ҳолатни қайд этишмаган, маълумотлар базасида ҳам акс эттирилмаган.

Газ ҳисоблагични текшириши билан боғлиқ бўлмаган бошқа бир мисолни олайлик. Зангиота туманида яшайдиган бир хонадон соҳиби газ истеъмоли учун ҳақни ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича вақтида тўлаб борган. Газ таъминоти идораси ходимлари эса унга асоссиз равишда 1 млн 31 минг сўм қарз ёзиб чиқарib, газ беришни тўхтатиб қўйишган. Маълум бўлишича, газчилар маълумотлар базасида ҳисоблагич асбоб кўрсаткичларига номувофиқ бўлган, анчагина ошириб ёзилган маълумотларни киритиб қўя қолишиган. Натижада йўқ ердаги катта қарз юзага келган. Биз бу вазиятни пухта ўргандик, ҳисоб-китобларни текширдик, натижада асоссиз ҳисоблаб чиқарилган қарз истеъмолчи гарданидан олиб ташланди.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

Кўмитамизнинг Самарқанд вилояти бўйича худудий бошкармасига газ кам етказиб берилганлиги муносабати билан 46 нафар истеъмолчидан жамоавий мурожаат келиб тушди. Маълум давр мобайнинда уларнинг хонадонларига мутлақо газ берилмаган, шунга қарамай газчилар асоссиз равишида 7,5 млн сўм миқдорида қарз ҳисоблаб чиқаришган. Масала ўрганиб чиқилганидан кейин газ таъминоти идорасига кўрсатма ёзиб берилди ва идора қайта ҳисоб-китоб қилди – истеъмолчи кўрсатилмаган хизмат учун ҳақ тўлашдан кутулди.

– Мурожаатларнинг каттагина қисми газ ҳисоблагич асбоблари вақтида текширилмаганлиги билан боғлиқ эканлиги боис бу масалага кенгроқ тўхталсангиз. Юзага келган муаммонинг моҳияти нимада ўзи?

– Газ таъминоти идоралари мамлакатимизда ресурсларни тежаш жараёнига биринчилар қатори кўшилганлар. Ўйжой Фондини газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлаш, айниқса 2000 йилнинг бошларида авж палласига чиқди. Ҳисоблагичларни ўрнатиш истеъмолчи учун ҳам, умуман олганда, иқтисодиётимиз учун ҳам шак-шубҳасиз, яхши йўналиш эди. Энг аввало коммунал маҳсулотлар ҳақи ўртача кўрсаткич деб олинадиган нормативлар бўйича эмас, балки ҳисоблагичнинг аниқ кўрсаткичлари бўйича тўланадиган бўлди. Демак аҳолининг маблағи, мамлакат миқёсида эса ресурслар тежалади. Бироқ ҳисоблагич ўрнатилди ва у бир умр ишлайверади деб ўйламаслик керак. Коммунал маҳсулотларнинг ҳисоблагич асбоблари бошқа ўлчов воситалари сингари ўз вақтида давлат метрология назоратидан, яъни текшируvдан ўтказиб турилиши лозим.

Текшируvлар ўртасидаги оралиқ вақт уй-рўзгорда ишлатиладиган барча турдаги газ ҳисоблагичлар учун 4 йил ҳисобланади, бинобарин улар 4 йилда бир марта текширилиши керак. Бу тартиб «Метрология тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган 1004-XII-сон Қонуннинг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 17-моддасида айтилганидек, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланадиган мажбурий тартибда давлат текшируvидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари гурухларининг номенклатура рўйхатида назарда тутилган.

Бундай текшируv, Қонун 1-моддасида қайд этилишича, ўлчов воситаларининг белгилаб кўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида ўтказилади. Мабодо ҳисоблагич асбобнинг текшируvлар ўртасидаги оралиқ вақт тугаган бўлса, ҳисоблагич у ёки бу тараф фойдасига ёки зиёнига хатолик билан ишлаши мумкин. Демак, бундан истеъмолчи ҳам, газ етказиб берувчи ҳам зарар кўриши мумкин.

Таассуфки, кўпчилик истеъмолчилар норматив хужжатларни, айниқса маҳсус жиҳатларни тартибга солувчи хужжатларни ўқимайдилар. Истеъмолчилардан келган мурожаатлар ўрганилганда шу нарса маълум бўлди, улар ҳисоблагичларни текшируvдан ўтказиш зарурлигидан ҳам, бу иш қай тартибда амалга оширилишидан ҳам хабарсиздирлар. Маҳсулот етказиб берувчилар газ истеъмолини ҳисоблагич асбоб кўрсаткичлари бўйича тўланадиган ҳақдан анчагина юқори миқдордаги нормативлар билан ҳисоблаб чиқаришга ўтиб олишган. Бундай ҳолларда ҳисоб-китоб ҳақиқатда қилинган истеъмол, яъни реал истеъмол учун эмас, балки уйда ёки квартирада қайд этилган одамлар сонига, иситиладиган турар жой майдони миқдорига, истеъмолчидаги мавжуд газ билан ишлайдиган асбоблар сонига қараб чиқарилади. Айтилайлик, истеъмолчига 2004 йили газ ҳисоблагич асбоби ўрнатилган. Демак у 2008 йили бу ҳисоблагични текшируvдан ўтказилишини таъминлаши керак. Ҳамонки, у шундай қилмаган экан, газчилар ўз «ҳисоблагичлари»ни ишга соладилар. 3 йил ичидаги норматив бўйича ҳақ қанча чиқишини чамалаб кўринг-чи?! Шу зайл қарз демаганинг урчиб кетади ва шу ҳисоб-китоб бўйича ҳақ тўлаш жоизлиги айтилганда, одамлар таажжубга тушадилар. Ахир улар газ ҳисоблагич асбоби кўрсаткичлари бўйича ҳақ тўлаб келишган-ку?! Қизиги шундаки, Монополиядан чиқариш Кўмитасига мурожаат этганларнинг орасида пенсионерлар кўп ва улар тўловларни вақтида, ҳалол тўлаб боришади.

Муаммони чуқурроқ ўрганиш учун «Газ таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя қилиш» деган

мавзуда давра сұхбати үтказдик. Тадбирда «Үзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Үзстандарт» агентлиги, Адлия вазирлиги, Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вакиллари иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, бу амалий рухдаги муроқот бўлди. Сұхбат аносисида тарафлар газ етказиб бериш, газ ҳисоблагич асбобларидан фойдаланиш билан боғлик муаммоларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлашга ва уларни ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилдилар.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ТАХДИД ЭТМОҚДАМИ?

– Давра сұхбати иштирокчилари қандай фикрга келиши? Ҳисоблагичларини вақтида текширируvдан үтказмаган истеъмолчиларга нисбатан жазо чоралари тахдид солмоқдами?

– Бу муаммони барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда холисона ёндашув асосида кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Истеъмолчиларнинг манфаатлари устуворлигига таяндик. Башарти улар газ истеъмоли учун вақтида ҳақ тўлаб келишган бўлса, Газдан фойдаланиш қоидаларини бузишмаган бўлса, ҳисоблагич асбобларини текширируvдан үтказиш биз учун анчагина янги ҳолат эканлиги эътиборга олиниши ўринли кўринади. Шу сабабли газ таъминоти идоралари ходимлари истеъмолчиларни газ ҳисоблагичларни текширириш зарурлигидан вақтида хабардор этишлари лозим. Қонун ҳужжатларимизда ҳам бу мажбурият белгиланган. Хусусан, Квартиralарда ва якка тартиbdagi турар жойларда газни ҳисобга олиш приборлари харид этиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг⁴ (бундан буён матнда Низом деб юритилади) 37-бандида белгиланишича, газ етказиб берувчи газни ҳисобга олиш приборининг техник кўrsatichlari тўғрисидаги маълумотларни, бундай приборларни самарали ва бехатар ишлатиш қоидалари ва шартларини, уларнинг хизмат мурдати (яроқлилиги), техник кўрикдан үтказиш ва синаб кўриш даври ва мурдатларини истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт. Газдан фойдаланиш қоидаларининг 14.12-бандида газ таъминоти идораларининг абонентларни газ ускуналарини техник кўрикдан (тафтишдан) үтказиш санаси ҳақида кўп квартирали уйларнинг йўлакларига эълонлар осиш, бошқа имконияти бўлган усуллар орқали камидан 3 кун олдин огоҳлантириш борасидаги мажбуриятлари назарда тутилган.

«Үзтрансгаз» акциядорлик компанияси вакиллари нуқтаи назарича, газ ҳисоблагич асбобларини мунтазам равишида текширириб туриш мажбурияти газ етказиб берувчи билан истеъмолчи ўртасида газ етказиб бериш юзасидан тузиладиган шартномада мустаҳкамлаб кўйилган. Шундан келиб чиқиб шартномавий муносабатлар ҳолатини ҳам ўргандик. Монополиядан чиқариш кўмитасига шикоят билан мурожаат этган истеъмолчиларнинг ҳаммаси ҳам газ етказиб берувчilar билан шартнома тузган деб бўлмайди. Ҳамонки, шартнома йўқ экан, тараflарнинг мажбурияти ҳам, жавобгарлиги ҳам, ҳукуқ ва бурчлари ҳам йўқ. Шартномавий муносабатлар бўлмай туриб, қай йўсинда жазо чораларини кўллаш мумкин? Коммунал хизматлар кўrsatuvchilar шартномаларнинг амал қилиш мурдати ўз-ўзидан узайиши тажрибасидан фойдаланадилар. Бироқ шартноманинг эски таҳририда газ ҳисоблагич асбобларини текширириш зарурлиги ҳақида банд йўқ, қолаверса унда турар жой фондини бундай ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш тўғрисида умуман ҳеч нарса дейилмаган. Яқинда шартномаларга ўзгариш киритилиб, тегишли жавобгарлик белгилаб кўйилди. Аммо абонентларнинг аксариятида шартнома йўқ экан, шартномаларни тузиш ташабbusi газ таъминоти идоралари зimmасidadir. Тўғри, истеъмолчилар ҳам бу борада фаоллик кўrsatiishi лозим. Зотan қўлда шартнома бўлгач, бошқа тараф шартномани бузган тақдирда улар ўз ҳукуқларини ҳимоя этишлари, судга даъво аризаси билан мурожаат этишлари мумкин. Ана шундан келиб чиқиб, газ таъминоти идораларига шартномаларни инвентаризациядан үтказишни тавсия этдик.

Низомнинг 10-бандида белгиланганидек, текшириruvдан

⁴99-сон қарорнинг 4-иловаси.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

үтказиш мурдати үтказиб юборилган газ ҳисоблагич асбоблар носоз ҳисобланади ва улардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Улардан фойдаланишга йўл қўймаслик мутасаддилги газ етказиб берувчilar зimmасida. Бошқача қилиб айтганда, газ таъминоти идоралари ходимлари истеъмолчилар ҳузурига бориб, бу ҳакда уларни хабардор этишлари, ҳисоблагичлар текширируvдан үтказилиши юзасидан амалий чоралар кўришлари, бу жараённи назорат этиб боришлари лозим. Амалда шундай бўлмокдаки, ҳисоблагич ўз жойида туриди, виждонли истеъмолчи унинг кўrsatichlari бўйича вақтида ҳақ тўламокда, текшируvlar ўртасидаги оралиқ вақт тугаганлигини у билмайди, бундан уни ҳеч ким хабардор ҳам қilmagan. Газ етказиб берувчilar эса баъзи ҳолларда вақтида текшириilmagan ҳисоблагич гўё қусурли эканлиги учун истеъmol этилаётган газнинг кўшимча ҳажмларини назарда тутиб, пеня ҳам ҳисоблагич чиқарган тарзда асосиз равища ҳисоб-китоб қиладилар, бошқа ҳолларда эса истеъмолчilарни истeъmol қилинган газ учун ҳисоблагич кўrsatichlari бўйича эмас, балки истeъmol нормативлари бўйича ҳақ тўлашга мажбурлайдилар. Буларнинг ҳаммаси энг аввало газ етказиб берувчilar томонидан қонун ҳужжатларининг бузилишидир. Шу боис биз қўйидаги фикрга келдик: ҳамонки, истеъмолчilар ҳисоблагич текшириiliши зарурлигидан вақтида хабардор этилмаган экан, уни текшириришдан үтказиш жараёни назоратга олинмаган экан, ҳисоблагичларни текшируvдан үтказиш ўртасидаги оралиқ вақт тугаганидан кейин ҳақни ўртача кўrsatichlari бўйича тўлаш ҳақидаги талаб асосизидир. Аммо такрорий текшиriuvдан үtказишда ташабbus истeъmolchilarning ўzидan чиқishi лозим. Мабодо улар ҳисоблагичлардан фойдаланишнинг белгиланган тартиbinи бузсалар, бунинг учун қонун ҳужжатлагаiga мувофиқ жавоб берадилар.


Масала мухокама этилаётганда бир қанча норматив ҳужжатларни инвентаризациядан үtказиш зарурлиги; ҳозирги воқеликларни инобатга олган ҳолда газ етказиб бериш, газ ҳисоблагич асбобlаридан фойдаланиш масалаларини тартиiga солувчи ҳужжатларга ўзгариши ва кўшимчалар киритиш жоизлиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, Газдан фойдаланиш қоидалари 1997 йилда тасдикланган. Ҳужжат, шак-шубҳасиз, эскирган. Унда газ ҳисоблагич асбобlарни ўrнатиш зарурлиги ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ, чунки бундай асбобlарни ўrнатишга кейинрок киришилди.

ЭШИК КОККАН КИМ ЙЗИ?

– Ахборот, хабардор этиш борасидаги бўшлиқни бартараф этиш юзасидан қандай чоралар кўрилмоқда?

– Газ таъминоти идоралари ходимлари техник кўрикдан үtказиш учун уларни истeъmolchilar ўз улари ёки квартиralariga киритmasliklari ҳақида кўп нолишади. Шу боис улар абонентларни ҳисоблагични текшириriish зарурligiдан воқиф этолмайдилар. Газчilarning сўzlariiga қараганда, улар XUMShlarга, маҳалла fuqarolari yiginlariiga kumak сўrab murojaat этишган, уларнинг ёрдамида ахборотларни истeъmolchilar эътиboriga etkazmochi bўlishgan. Бошқача қилиб айтганда, истeъmolchilarning ўzi bu išning ud dasidan chiqa olmaeti, maҳalla fuqarolari yigini ёki shirkatlarning tashvişlari esa ўzlariga etarli. Biroq gaz taъminoti idoralarini hodimlarining қonun ҳujjatlarini buzish tarzida namoyen bulaётgan masъuiliyatcizligi учун isteъmolchilar жавобgar bўlmasligi kerak. Aҳolini oғzaki йўsinnda хабардор этиш самарадорлигiga išonib bўlmaidii. Почта orқali kўrsatma юбориш, ommavij axborot vositalari, ijtimoiy reklama orқali хабардор этиш бир muncha samara berasi mумкин. Bиз бу кемтиклини isteъmolchilariga esdaliq-ёzuv tayёрлаш bilan қisman bartaraf этиshga қaror қilidik, unda abonentning aсосий ҳукуқlari va mажбуриятлari maқbul tarzda aks ettiрилади, Gаздан foydalaniш қoидalariidan kўchirmalap beriladi.

Истеъmolchilar шуни билиб қўyishlari kerakki, inspektorlari gas uskunalari kўzdan kechireshgá қўymaslik oқibatiida шартnomanining (agar u bўlsa, албатta) шartini, Ўзбекистон Республикасида



аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини⁵ бузган бўладилар. Ана шу Қоидаларнинг 3.2-бандида истеъмолчи газ таъминоти идоралари, шунингдек газ таъминотини йўлга кўйиш хукуқига эга ихтинослаштирилган корхоналар вакилларини аварияларни бартараф этиш учун, кундуз кунлари мұхандислик ускуналарини, ҳисоблагич ва назорат асбобларини кўздан кечириш учун, agar корхона раҳбарияти томонидан берилган гувоҳномалири бўлса, газ асбоблари ёнига киритишилари шарт деб белгилаб кўйилган.

— Истеъмолчилар кўпинча коммунал хизматлар инспекторлари томонидан суистеъмолликлар содир этилиши, ваколат доирасидан четга чиқиш ҳолларига дуч келадилар, шу сабабли баъзан уларни ўз уйларига киритишини истамайдилар ва бу билан техник кўздан кечириш ўтказилишига монелик қиласидилар. Бу ҳол коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг обрўзътиборига ҳам таъсир этади, уларга нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради, зиддият ва низоларга сабабчи бўлади. Турли масалаларни тезкорлик билди ҳал этиш, қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолларининг олдини олиш учун кўпгина идоралар «Ишонч телефонлари» хизматидан фойдаланмоқда. Таассуфки, коммунал хизматлар корхоналари истеъмолчилар учун ёпиқ тузилмалар қаторида турибди...

— Ана шунинг учун ҳам давра сұхбати мобайнида газ таъминоти идоралари кадрларининг касб тайёргарлиги масаласи ҳам кўтарилди. Истеъмолчиларни борадаги номатлуб ҳоллардан қай йўсинда ҳимоя этиш, аҳоли билан бевосита иш олиб бораётган газ таъминоти идоралари инспекторларининг масъулиятини кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди. Тўғри, биз истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя этамиз, аммо коммунал маҳсулотларни истеъмол этишда белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этишда жавобгарлик истеъмолчиларнинг ўзларида сақланиб қолаверади. Негаки, улар томонидан ҳам қоидабузарликлар содир этиш ҳоллари, хусусан хизматлар учун ҳақни вақтида тўламаслик, ҳисоблагич асбобларга қонунга хилоф тарзда аралашиш ва шу сингари ҳолатлар учраб туради. Шуни ёдда тутиш зарурки, зиммангдаги мажбуриятларга риоя этган бўлсангина, талаб қилишинг, хукуқлар ҳақида баралла гапиришинг ўринлидир.

ЧИГАЛЛИКНИНГ ЕЧИМИНИ ТОПИШ МУМКИН, ТАЖРИБА ҲАМ БОР

— Газ ҳисоблагич асбобларини текширитириш механизми истеъмолчиларга тушунарлимикан?

— Газ ҳисоблагич асбобларини текширитиридан ўтказиш механизми оддий истеъмолчи учун мураккаблигича қолмоқда. Одамлар нима қилишни, қаерга боришни, кимга мурожаат этишни, текширитирив билан боғлиқ ишлар учун қандай нарх белгиланганлигини билмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, мазкур механизм иши янада самарали бўлишини рафтлантирувчи ўзгартишларни жараённинг ўзи талаб этмоқда. Бундан эса, истеъмолчилар ҳам, газ етказиб берувчилар ҳам наф кўради.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ўз сайтида аҳолидаги рўзгор газ ҳисоблагичларини текширитиридан ўтказидиши тартиби тўғрисида ахборот тарқатди. Унда айтилишича, газ ҳисоблагич асбобларини текширитиридан ўтказиш ва таъмирлаш ишларини тегишли текширитирив ускуналари бўлган ва шундай ишлар ўтказиш учун «Ўзстандарт» агентлиги томонидан берилган лицензияси бор ихтинослаштирилган ташкилотлар амалга ошироқда. Бундай ташкилотлар тўғрисидаги ва текширитирив тадбирларини ўтказиш тартиби ҳақидаги ахборотларни аҳолига газ таъминоти идоралари тақдим этиши шарт.

Газ ҳисоблагич асбобларини давлат текширитиридан ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар кўйидаги тартибда ўтказилмоғи керак:

1) газ таъминоти идоралари аҳолини газ ҳисоблагичла-

⁵ АВ томонидан 1999 йил 20 февралда 648-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

рини режали асосда текширитиридан ўтказиш зарурлиги ҳақида оммавий йўсинда хабардор этади, хусусан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади;

2) абонентга текширитиридан ўтасидаги оралиқ вақт туганлиги ҳақида бу муддат тугашидан 7 кун (!) олдин ёзма равиша хабарнома юборилади;

3) хабардор этилганидан кейин 5 кун (!) ичидаги газ таъминоти идораси вакили ҳисоблагични жойидан бўшатиб олиши (ечиши) ва ўша ернинг ўзида далолатнома тушиб, ҳисоблагични текширитириш учун абонентга бериши шарт. Истеъмолчиларда келгусида муаммо бўлмаслиги учун улар шуни ёдда тутишлари керакки, ҳисоблагични жойидан бўшатиб олиш ва жойига ўрнатишга фақат газ таъминоти идораси вакили ҳақлидир;

4) шундан кейин абонент ҳисоблагични ихтинослаштирилган метрология лабораториясига олиб боради, ҳисоблагични текширганликлари учун ўз ёнидан ҳақ тўлайди, зарурати бўлганда, газ ҳисоблагични таъмирлаш харажатларини ҳам кўтаради. У ерда текширитиридан ўтказиш тартибаомиллари 1 суткадан ошмаслиги керак. Ҳисоблагични таъмирлашга тўғри келганда эса табиийки, бунга кўпроқ вақт кетади;

5) текширитиридан ўтказиш тартибаомиллари мазкур иш тугалланганини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ҳисоблагични жойига ўрнатиш ҳақида ариза беради, шундан кейин газ таъминоти идораси вакили ҳисоблагични 2 сутка ичидаги жойига ўрнатиб берши даркор;

6) газ истеъмоли учун ҳисоблагич жойидан бўшатиб олиниб, текширитиридан ўтказиш тартибаомиллари мазкур иш тугалланганини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ҳисоблагични жойига ўрнатиш ҳақида ариза берган сана норматив тариф бўйича ҳисоблаш тугалланган муддат ҳисобланади. Ҳисоблагични газ таъминоти идораси ходими томонидан бўш олинини (ечилиши) ва ўрнатилиши бепул амалга оширилади.

Ҳамонки, гап кўп квартирали уйларда ва якка тартибда курилган уйларда ўрнатилган газ ҳисоблагич асбобларини кенг кўламда қамраб олиш ҳақида бораётган экан, метрология лабораторияларида ҳисоблагичларни вақтида текшириб бериш учун кувватлар етарли эмаслиги сабабли давра сұхбатида «Ўзстандарт» ва «Ўзтрансгаз»нинг биргаликдаги саъиҳаракатлари билан кўчма текширитиридан тасдиқланган газ таъминоти идораси ходими томонидан бўш олинини (ечилиши) ва ўрнатилиши бепул амалга оширилади.

— Бизда совуқ ва иссиқ сув ўлчагич асбобларини текширишдан ўтказиш тажрибаси бор, уни амалга оширишнинг механизми анча мақбул кўринади. Масалан, истеъмолчиларнинг вақти ва маблагларини тежаш учун сув ўлчагичларни текшириш билан шуғулланувчи «TOSHKENT-ZENNER» МЧЖ истеъмолчиларга бир неча усулни таклиф этади. Истеъмолчи сув ўлчагични текширишга ўзи олиб боради ёки ҳисоблагични бўшатиб олишдан текшириб қайта ўрнатунгача бўлган бутун жараённи компаниянинг ходимлари бажарадилар. Бундан ташқари, компаниядагилар бутун жаҳонда қўлланиб келаётган тажрибадан фойдаланадилар — ҳисоблагични ечиб олгач, истеъмолчига унинг ўрнига текширитиридан ўтказилган, мутлақо соз ҳисоблагични — техник ҳолати мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган ҳисоблагични ўрнатишни таклиф этадилар. Бу ҳам истеъмолчиларнинг вақти ва маблагини тежайди...

— Ҳисоблагични текширитиридан ўтказиш механизмини содалаштириш, уни истеъмолчилар учун янада тушунарлироқ бўлиш имкониятлари ҳақидаги таклифлар ҳам давра сұхбатида муҳокама этилди. Муҳокама натижасида аҳолига газ етказиб бериш ва ҳисоблагич асбобларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар умумлаштирилди, уларни ҳал этишнинг мумкин бўлган йўллари белгилаб олинди. Ана шу асосда Монополиядан чиқариш кўмитаси аҳолини газ билан таъминлашни яхшилашга доир таклифлар тайёрлади ва уларни Вазирлар Махкамасига тақдим этди.

— Сұхбатингиз учун ташаккур.

ХУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИНГИЗ ШАРТНОМАДА БЕЛГИЛАНГАН

Коммунал хизматлар күрсатувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муаммолар жуда күп ҳолларда истеъмолчиларнинг хуқуқий билимсизлиги туфайли келиб чиқади. Тан олиш керакки, биз ўз хуқуқ ва мажбуриятларимиз каби, бошқа тарафнинг хукуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ҳам кам биламиз. Куйидагича фикр юритамиз: ҳаммаси шундоқ ҳам яхши-ку, қонунларни ўрганиб нима қиласми? Одатда истеъмолчи бу ишга яхши ҳаёт кечираётганидан эмас, балки унинг хукуқлари яхшигина бузилиб, ортиқ чидаб бўлмаганида киришади: томдан чакка ўтганда, уй иситилмаётганда ёки наридан-бери иситилганда, сув квартирагача етиб келмаётганда, етказиб берувчилар асоссиз равишда қарз ёзганда ва ҳоказо. Бундан чиқадики, уйда юзага келадиган уй-жой-коммунал муаммолар истеъмолчини «руҳлантириб», ўз хуқуқ ва мажбуриятларини эслашга мажбур қиласкан-да. Бироқ, албатта, бундай шок терапиясини бошдан ўтказмаган маъқул. Бунинг учун қўл остида йўл-йўрик кўрсатадиган ёрдамчингиз бўлиши керак. Истеъмолчи билан етказиб берувчи ўртасида тузилган, у ёки бу коммунал хизматларни кўрсатиш шартномаси бундай кўмакчининг ўрнини босади. Қонун хужжатлари меъёрларидан келиб чиқиб унда коммунал хизматларни олганда истеъмолчилик билимларининг асослари таърифланган. Шартномага нафақат ўз хукуқларингизни ҳимоя қилиш учун, балки унда келтирилган мажбуриятларни бажариш учун ҳам эга бўлиш ва ундаги қоидалардан хабардор бўлиш керак. Бу кўпгина муаммоларни ва тарафлар ўртасидаги зиддиятларни четлаб ўтиш имконини беради.

Кўп истеъмолчилар эътиroz билдиришлари мумкин: «Бизда ҳеч қандай шартнома йўқ, етказиб берувчилар уларни тузмайдилар». Бу ишни албатта етказиб берувчилар ташкил қилишлари керак, бироқ истеъмолчилар ҳам буни унутмасликлари лозим.

Пойтахтнинг газ билан таъминлаш корхоналари яқиндан бери чакана истеъмолчилар (жисмоний шахслар) билан Табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тузабошладилар. Улар тўлов дафтарчасига киритилган – жудаям қулай. Истеъмолчиларнинг газ етказиб бериш билан боғлиқ бўлган энг кўп учрайдиган саволлари ва Шартномага мувофиқ уларга жавобларни келтириб ўтамиз.

Шартномага мувофиқ ис- теъмолчи қандай мажбурият- ларга эга?

– Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари (4.2-банд);

уи ичидаги тармоқларнинг, газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш асбобининг техник хужжатларга аосланган ҳолда техник ҳолатини ва улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;

газни ҳисобга олиш асбобидаги тамғалар ва техник хужжатларнинг сақлашишини таъминлаш;

газни ҳисобга олиш асбобини 4 йилда 1 марта давлат кўригидан ўтказишни таъминлаш;

Шартномада кўрсатилган кўрсаткичларнинг ўзгариши тўғрисида газ билан таъминлаш корхонасини вақтида хабардор қилиш (исми-шарифи, яшаш жойи, уй телефони, паспорт маълумотлари, газни ҳисобга олиш асбоби тўғрисида маълумотлар);

газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш асбобидан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи авария ёки носозликлар ҳақида газ билан таъминлаш корхонасини дарҳол хабардор қилиш;

уи ичидаги тармоқларнинг, газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш асбоби техник ҳолатининг бузилиши, улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш ҳамда газни ҳисобга олиш асбобини техник ҳолатининг бузилиши, улардан хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш ҳамда

газни ҳисобга олиш асбобидаги тамғаларнинг бузилиши ҳолатларида газ билан таъминлаш корхонасини дарҳол хабардор қилиши;

газ билан таъминлаш корхонасининг вакилига газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш асбоби, уларнинг техник хужжатлари ҳамда газдан тўғри фойдаланиш тартибини текшириш имконини яратиб бериш;

оила аъзоларининг таркиби ўзгарганда (туғилиш, ўлим, ҳарбий хизматга сафарбарлик ва ҳ.к.) ёки оила аъзоларидан бирон-бир киши узоқ муддат оиласда бўлмаганида (хорижга чиқишик, сафарда бўлишлик ва ҳ.к.) бир ой муддат ичидаги газ билан таъминловчи корхонанинг ҳисоб-китоб бўлимини хабардор қилиш; яшаш жойи ўзгарганида эса газ тармогини ўчириш учун ёзма ариза тақдим қилиш. Истеъмолчи томонидан юқоридаги талаблар узрли сабабсиз бажарилмай қолса, табиий газ учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилмайди ва жавобгарлик истеъмолчи зиммасига юклатилади;


бошқа мажбуриятлар.



Етказиб берилгаётган газ учун ҳақ тўлаш тартиби қан- дай?

– Етказиб берилган газ учун тўлов истеъмолчи томонида ҳар ой тугаганидан сўнг 10 кун мобайнида тўланиши шарт (6.2-банд). Белгиланган муддатда газ қиймати қисман ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда газ билан таъминлаш

корхонаси тўловни тўлаш зарурлиги ҳақида истеъмолчини хабардор қиласди (6.3-банд). Хабар олинганидан сўнг 3 кун давомида истеъмолчи газ ҳақини тўламаган тақдирда у газ таъминоти тармоғидан узиб қўйилади. Қарзнинг бундан кейинги ундирилиши суд тартибида амалга оширилади (6.4-банд). Олдиндан тўланган аванс маблағлари қайтарилимайди, улар кейинги ой тўловларида ҳисобга олинади (6.5-банд). Мунтазам дебиторлик қарзи (кўрсатматларга амал қиласмаслик, ўчирилган крандан пломбани олиб ташлаш, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) учун истеъмолчини газ таъминоти тизимидан узиб қўйиш ва қайта улаш билан боғлиқ харажатлар истеъмолчи томонидан тўланади (6.6-банд).



Уйда газдан фойдаланиш жиҳозлари ва газни ҳисобга олиш асбобларидан фойда- ланишга таъсир кўрсатувчи авария ёки носозлик келиб чиқсанда нима қилиш керак?

– Мазкур ҳолда юз берган ҳолат ҳақида дарҳол газ билан таъминловчи ташкилотга хабар қилиш керак, у эса шу заҳоти истеъмолчининг хабарини рўйхатга олиши ва бир кеча-кундуз ичидаги чора кўриши керак. Авария ёки носозлик бартараф этилганидан кейин етказиб берувчи истеъмолчи билан бирга уч йил сақланиши керак бўлган далолатнома расмийлаштириши шарт (5.1-5.3-бандлар).



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

Шартномага мувофиқ газ билан таъминлаш ташкилотининг мажбуриятлари қандай?

– Етказиб берувчи қуидагиларни таъминлаши шарт (4.1-банд):

Шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ газни узлуксиз етказиб бериш;

таъмирлаш ишлари, авария ва шу кабилар туфайли газ етказиб беришини вақтнчалик қисман ёки бутунлай тўхтатилиши мумкинлиги ҳақида истеъмолчини ўз вақтида хабардор қилиш;

абонент буюртмасини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

уй ичидаги мавжуд газ жиҳозларини режали таъмирлаш (тафтиш қилиш) ҳамда уларга профилактик хизмат кўрсатиш;

истеъмолчини газни ҳисобга олиш асбоби билан таъминлаш.

Газ жиҳозларини тафтиш қилиш муддатлари мавжудми?

– Газ тармоғидан олинадиган газда ишлайдиган уй-жойлардаги мавжуд газ плиталари, агарда бошқа газ асбоблари бўлмаса – 2 йилда 1 марта, мавжуд газ плиталари, иситиш асбоблари, сув иситиш асбоблари ва бошқалар – 1 йилда 1 марта тафтиш қилинади. Тафтиш ва таъмирлаш хизматларини кўрсатиш истеъмолчи томонидан тасдиқланган преискурантга мувофиқ тўланади (4.1-банд).

Истеъмолчи ва газ билан таъминлаш ташкилоти ўртасидаги шартнома қандай муддатга тузилади?

– Шартнома номуайян муддатга тузилади. Шартнома тарафларидан бирортаси уни бекор қилиш ҳақида мурожаат қилмаса, уузайтирилган ҳисобланади (7.2-банд).

Етказиб берувчи ёки истеъмолчи шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда уларга нисбатан қандай жавобгарлик назарда тутилган?

– Шартномавий ҳажмларга нисбатан кам газ етказиб берган тақдирда газ билан таъминлаш ташкилоти муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмнинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади. Истеъмолчи етказиб

берилган газ учун ўз вақтида ҳақ тўлаган тақдирда у ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорида, лекин муддати ўтказилган қарзнинг 50%идан ошмаган миқдорда газ билан таъминлаш корхонасига пеня тўлади.

Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларига¹ биноан, газ тармоқларига ўзбоншимчалик билан уланиш, газни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёки уларнинг кўрсаткичларини ўзгаририш мақсадида уларга ташқаридан аралашганлик учун унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига мувофиқ маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Кўрсатиб ўтилган қоидабузарликлар такроран содир этилган ва етказиб берувчига анча миқдорда зарар етказилган ҳолда истемолчи Жиноят кодексининг 185-2-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш асбобини ўрнатишдан бош тортганда у газ таъминоти тармоғидан «Ўзтрансгаз» АҚ тизимидағи худудий унитар корхоналари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг вакилари ва истеъмолчи иштирокида тузилган далолатномага асосан узиб кўйилади (8.3-банд).

Етказиб берувчининг шартномавий мажбуриятлари форс-мажор ҳолатлари туфайли бажарилмаган тақдирда у масъулиятдан озод этилади. Бу ҳолатларга нималар киради?

– Етказиб берувчи форс-мажор ҳолатлари юз берганда газ беришни тўхтатиши ёки камайтириши мумкин. Уларга кутилмаган ёки олдини олиб бўлмайдиган табиий оғатлар (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар киради. Форс-мажорга шунингдек газ конларида, газни қайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ қувурларида, газ тармоқларида олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида юз берган авариялар ҳам киради (9.1-банд).

Газни ҳисобга олиш асбоби бўлмаганда истеъмол қилинган газ учун тўлов қандай амалга оширилади?

– Газни ҳисобга олиш асбоби бўлмаган абонентлар учун тўлов ҳар ойда амалга оширилади ҳамда киши сони, газ асбоблари сони, хонанинг меъёрий ҳажмини (1 кишига 43 м³) иситишга кетадиган газ миқдорига боғликдир.

Тўлов меъёрий тарифлар бўйича, иситиладиган хонанинг меъёрдан ортиқ ҳажми учун эса – 1,5 баравар миқдорда ҳақ тўланади. Истеъмолчиди 2 ва ундан ортиқ газ асбоби ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситигич бўлган тақдирда бу жиҳозлар учун газ харажатлари меъёри тенг равиша 2 ва ундан кўп мартага оширилади (6.12-банд).

Истеъмолчига етказиб бериладиган газ ҳажми чегараландими?

– Истеъмолчига етказиб бериладиган газ ҳажми чегараланмайди, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- газдан автоном сув иситувчилар ва қозонлардан фойдаланган ҳолда иссиқхона ва оранжерейларни иситиш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирлар, таом пиширувчи қозонлар учун фойдаланиш ҳамда газни якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бошқа мақсадларда фойдаланиш;

- истеъмол қилинган газ ҳажми ой тугаганидан кейин 10 кун давомида истеъмолчи томонидан тўланмагандан;

- газдан фойдаланиш жиҳозлари авария ва ҳаёт учун хавф тұғдирадиган ҳолатлар;

- таъмирлаш ишлари олиб борилаётган, авария ҳолатлари туғилган ёки бошқа форс-мажор ҳолатлари (2.1-банд).

Газ билан таъминлаш ташкилотлари томонидан якка тартибдаги меҳнат фаолиятида газдан фойдаланишга доир (табиий газдан автоном сув иситиш қозонларидан фойдаланган ҳолда иссиқхона ва оранжерейларни иситиш, тандирлар, таом пиширувчи қозонлар учун фойдаланилганда) қандай талаблар назарда тутилган?

– Бунинг учун етказиб берувчига: газлаштириш учун рухсатнома; якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома; газдан фойдаланувчи жиҳознинг техник тавсифномалари ва газ ёкувчи жиҳозларнинг максимал қуввати бўйича сарфи тақдим қилиниши керак. Шунингдек газни ҳисобга олиш асбоби тўғрисидаги маълумотлар: асбоб маркаси, уни ишлаб чиқарган завод, ишлаб чиқариш рақами ва санаси, төкширув даврийлиги ва охирги текширув санаси, минимал ва максимал ўтказиш қобилияти, максимал иш босими, газ билан таъминлаш корхонаси томонидан таъмаланганлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилади. Мазкур ҳолда шартнома улгуржи истеъмолчи билан тузилганга ўхшаб тузилади (6.10-банд).

¹ВМнинг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган.

Мавзувиий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ИСИТИШ ТИЗИМИНИ ДЕМОНТАЖ ҚИЛМОҚЧИМАН

Истеъмолчиларнинг Монополиядан чиқариш кўмитасига иссиқлик таъминоти масалалари бўйича мурожаатлари уй-жой-коммунал соҳанинг турли муаммолари билан боғлиқ аризалари таркибида қарийб 30%ни ташкил қиласди. 2011 йилнинг 9 ойи ичида Монополиядан чиқариш давлат кўмитасига иссиқлик энергиясини етказиб бериш билан боғлиқ 244 ёзма мурожаат келиб тушди. Уларнинг катта қисми истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди. Кўпинча кишилар асоссиз ҳисоблаб ёзилган қарз суммасидан шикоят қиласидар. Иссиқлик қувватини тўлиқ етказиб бермаслик; уни етказиб беришдаги узилишлар; иссиқ сувнинг ҳарорат меъёrlарида тафовути; етказиб берувчиларнинг йўқ иссиқлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишлари; турар жой мулқдорларининг иситиладиган майдонлар маълумотларида тафовутлар ва ҳоказоларга тааллуқли мурожаатлар ҳам етарлича. Иситиш мавсуми бошлангач, ушбу ҳолатлар кўпайиб боради. Албатта, иссиқлик таъминотидаги муаммолар етиб ортади, бироқ жуда кўп нарса хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатларига, кишиларнинг ўзига боғлиқлигини унутмаслик керак. Монополиядан чиқариш давлат кўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя этиш бошқармасининг бошлиқ ўринбосари Акбаржон АБДУРАЗЗОҚОВ истеъмолчилар ўз мурожаатларида сўз юритган иссиқлик таъминотидаги баъзи муаммолар ҳақида ҳам ҳикоя қиласди.

Истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти билан боғлиқ бир қатор мурожаатлари иситиш тизимларини ўзбошимчалик билан демонтаж қилиш масалаларига тааллуқлиди. Бу ҳолат кейинги йилларда муайян тамойилни касб этди. Бир томондан, кўпинча иситиш тизимлари демонтаж қилинадиган кўп квартирали уй-жойлардаги хоналарни реконструкция қилиш, қайта режалаштириш ва қайта жихозлаш тартиби бир қатор меъёрий ҳужжатларда хуқуқий асосга эга бўлди. Бошқа томондан эса, иситиш жихозларини демонтаж қилиш масаласи «муаллақ» туриди, у етарлича тартибга солинмаган ва турли идораларнинг келишиб ҳаракат қилишларини талаб қиласди. Радиаторларнинг демонтаж қилинганилиги ҳолларини аниқлаган «Тошисиқкувати» ИЧБ УК (бундан кейин – Тошисиқкувати) ходимлари уларни тиклашни талаб қиласидар. Бунда юзага келадиган зиддиятларга йўл қўймаслик, демонтаж қилишга рухсат берилган ёки берилмаганлигини истеъмолчиларга аниқ тушунтириш учун биз ушбу масалани ҳал қилиш ваколат доирасида бўлган ташкилотлар номига хатлар юбордик.

Муаммони аниқ мисолда кўриб чиқайлик. Тошкентнинг Яккасарой туманида яшовчи истеъмолчи Кўмитага унинг квартираси бир неча йил мобайнида иситилмай келаётганилиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилди, бу дало-латномалар билан тасдиқланган эди. Фуқаронинг ХУМШга, Тошисиқкуватига мурожаатлари натижা бермаган, муаммо ҳеч ҳам ҳал этилмаган. Хизматларни олмагач, у иссиқлик қуввати учун ҳақ тўлашни тўхтатган ва радиаторларни демонтаж қилган (унинг фикрича, кераксизлиги учун). Истеъмолчи квартирада энергияни сақлаш чора-тадбирларини кўрган: эшикни иссиқликни чиқармайдиган қилиб жихозлаган, пластик деразалар ўрнатган, иссиқлик қуввати ўрнига иситишнинг муқобил манбаларига ўтиш имкониятларини қидира бошлаган. Тошисиқкувати ходими-лари у бир неча йил давомида олмаган иссиқлик учун қарздор эканлигини айтишган ва квартирадаги демонтаж қилинган иситиш асбобларини тиклашни талаб қилганлар. Мурожаат Монополиядан чиқариш давлат кўмитасида кўрилганидан кейин иссиқлик етказувчилар асоссиз ҳисоблаб ёзилган қарзни қайта ҳисоб-китоб қилдилар. Бироқ

¹ Давархитекткурилиш кўмитасининг 2006 йил 23 марта ги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган.

² АВ томонидан 1999 йил 20 февралда 648-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

³ АВ томонидан 1999 йил 1 февралда 616-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

иссиқлик ускунасини демонтаж қилиш ва иссиқликнинг муқобил манбани танлаш мумкинлиги масаласида етарлича аниқлик-равшанлик йўқ. У янада батафсилроқ ишлаб чиқиши талаб қиласди, турли идоралар мутахассисларининг тушунтиришлари ҳам шундан далолат беради.

МУМКИН БЎЛМАСА ҲАМ ҚИЛСА БЎЛАДИМИ?

Демонтаж нима дегани? Бу – ускунани қисмларга ажратиш, уни ўрнатилган жойидан олиб ташлаш. Уни квартиralарда яшовчilar мустақил иш тарзида ёки жойни реконструкция қилиб таъмирлаш вақтида амалга оширадилар. Демонтаж қилиниши тўғрисида сўз бораётган радиаторлар квартира эгаларининг хусусий мулки ҳисобланади. Устунлар (стояклар) эса кўп квартирали уйдаги турар жой мулқдорларининг умумий мол-мулки бўлиб, у уйдаги умумий иситиш тизими билан боғланган. Истеъмолчи, унинг фикрича, иситиш мавжуд бўлмаганида функционал вазифасини бажармаётган радиаторларни ўз мулки сифатида қирқиб ташлади. Бироқ у уйдаги умумий мол-мулк бўлган устунларни бир бутун ва яхлит ҳолида қолдирди. Истеъмолчи нима учун иссиқлик таъминотчилари уни иситиш асбобларини тиклашга мажбур қилаётганликларини сўрайди.

Бу борада қонун ҳужжатлари нима дейди, мутахассисларнинг фикри қандай? Кўпинча улар таянадиган 5 ҳужжат ушбу масаланинг хуқуқий асосини таъминлайди. Булар – Уй-жой кодекси (бундан кейин – УК), Кўп квартиralи уйларда биноларнинг хавфсизлиги ва мустаҳкамлигини таъминлайдиган жойларни реконструкция қилиш, қайта режалаштириш ва қайта жихозлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (1.04.05-06 ШНК¹, бундан кейин – Низом, ШНК), Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизматлар етказиб бериш қоидалари², Уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоида ва нормалари³. Истеъмолчи билан етказиб берувчи ўртасида иссиқлик қувватини етказиб бериш шартномаси (бундан кейин – Шартнома).

«ЎЗЛИТИ» АЖ мутахассисларининг нуқтаи назари ШНКнинг 16-бандига асосланади, у уйдаги умумий муҳандислик тармоқлари (сув, газ, иссиқлик, электр ва алоқа таъминоти)ни йўқ қилиш ёки уларнинг техник хусусиятларини бузиш билан боғлиқ қайта куришларга йўл қўймайди. Битта ёки бир неча квартирадаги иситиш асбобларини узиб қўйиш

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.


уй-жойни иситиш бутун тизимининг ишини бузади.

Яъни агар уларда зарур ҳарорат таъминланмаса, бу ҳол уйдаги умумий иссиқлик мувозанатига таъсир қиласди. Шу сабабли бундай ишларни ўтказишдан аввал, мутахассисларнинг фикрича, муҳандислик тармоғини бузиш ёки йўқ қилишга йўл қўймайдиган тадбирлар ўтказилиши керак. Улардан бири – иситиш тизимини реконструкция қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш бўлиб, уни бундай ишларни амалга оширишга лицензияси бўлган ташкилотлар амалга оширадилар. Бунда уй-жойни иситиш тизими таркибидан узиб қўйиш режалаштирилган иситиш асбоблари олиб ташланади; реконструкция қилинаётган тизим қайта ҳисоб-китоб қилинади, янги тизимга эса барча зарур ўзгартеришлар киритилади. Идора истеъмолчига масалани лойиҳади ХУМШ билан бирга ишлаб чиқиб ҳол этишни тавсия қиласди, чунки бунинг учун истиносиз уйнинг барча эгалари розилиги талаб қилинади.

Яъни, айтиш мумкини, ушбу тартиб иссиқлик тармоқларининг техник хусусиятларини тубдан ўзгартериш билан боғланмаган жойларни реконструкция қилиш учун назарда тутилган. Бироқ айни вақтда юқоридагидек аниқ ҳолат учун ЎзЛИТИ мутахассисларининг таъкидлашларича, «тармоқда ҳавонинг меъёрлаштириладиган ҳароратини таъминлаш учун иситишнинг муқобил манбай мажбурий тартибда назарда тутилиши керак. Зоро ёнма-ён, тепа ёки пастки қаватларда жойлашган квартиralарни иситиш тизими иситиш асбоблари демонтаж қилинадиган турар жойнинг иссиқлик йўқотишларини қоплашга мўлжалланмаган». Қисқаси, радиаторларни демонтаж қилиш мумкини ёки йўқми?

Давархитекткурилиш қўмитаси истеъмолчининг иситиш асбобларини демонтаж қилиши уйдаги умумий иссиқлик мувозанатини бузишини ҳам қайд этади. Натижада уйда зарур ҳарорат таъминланмайди. Айни вақтда ШНКнинг 15-бандига мувофиқ хоналарни мавжуд истеъмол доирасида хоналарнинг иситиш, газ, сув-канализация ва электр тармоқларини ўзгартирмасдан туриб янада мукаммалроқ газ, сантехника ва электр асбоблари билан қайта жихозлаш чоғида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ваколатли органнинг рухсатини олиш талаб қилинмайди.

Ушбу масалада Тошиссиқкуватининг нуқтаи назарисалмоқли ҳисобланади. Идора бунда УКнинг 24-моддасини асос қилиб келтиради, унда белгиланишича, кўп квартирали уйда ўзига тегишли жойда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатини олмасдан туриб ўзбошимчалик билан қайта қуриш ёки қайта режалаштиришни амалга оширган квартира мулкдори қонун билан белгиланган тартибда жавобгар бўлади ва ўз ҳисобидан ушбу жойни аввалги ҳолатига келтиришга мажбур. Иситиш тизимининг йишига аралашиш, унга тегишли лойиҳа ечимисиз реконструктив ўзгартеришларни киритиш Уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоида ва нормалари билан тақиқланган. Уларда айтилишича, уйда яшовчилар ва слесарларнинг иситиш асбобларига қўшимча секциялар улашлари ёки улар сонини камайтиришлари, шунингдек маҳ-



сус рухсатномасиз иситиш радиаторлари учун токчалар барпо этишлари тақиқланади (24.12-банд). Аҳолига коммунал хизматлар етказиб бериш қоидалари (3.3-банд) истеъмолчи ижроининг рухсатисиз ички муҳандислик тармоқларини қайта жихозлашини; хизматларни ҳисобга олишнинг мавжуд чизмаларини бузишларини **такиқлади**. Худди шу меъёрлар Шартномада ҳам ўз ифодасини топган. Иссиқлик таъминотчилари асос қилиб келтирадиган ҳужжатларда кўрсатилган ишларни амалга оширишга рухсат берувчи ҳужжатларни олиш зарурлиги тўғрисида сўз боради. Демонтаж тўғрисида унда бир оғиз сўз ҳам йўқ.

Бироқ шу билан бирга Тошиссиқкуватни истеъмолчига бир қатор тадбирларни амалга оширган, шу жумладан қуйидагиларни олган ҳолда иссиқлик қуввати ўрнига иситишнинг муқобил манбайни танлашини рад этмайди:

1) уйдаги барча квартира эгаларининг иситиш асбоблари йўқлигига эътиroz билдирилмасликлари тўғрисида ёзма розилигини (чунки бу уй-жойдаги бутун иситиш тизими тиши иши ёмонлашишига олиб келади);

2) ХУМШ билан иситиш асбобларини демонтаж қилган ҳолда квартиранни иситиш тизимини реконструкция қилиш масаласини келишишни;

3) квартирадаги иситиш асбобларини демонтаж қилиши ҳисобга олган ҳолда бутун уйдаги иситиш тизимининг керакли циркуляциясини таъминлаш учун зарур тадбирларни акс эттирадиган лойиҳа ечимини. **Уй ичидағи муҳандислик коммуникацияларини реконструкция қилиш лойиҳасини бажаришга лицензияси бўлган лойиҳа ташкилотига аризани квартира мулкдори эмас, балки уйдаги умумий тизимларни саклаш билан шуғулланадиган ХУМШ юбориши керак;**

4) энергия билан таъминловчи ташкилотнинг квартирада ҳароратни камида +18 даража С ҳолатида тутиб туриш ҳисобига туташ турар жой хоналари билан иссиқлик мувозанатини саклаш учун марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ўрнига фойдаланиш учун иситиш асбобларини ўрнатишга рухсатномасини.

Ушбу тадбирлар Тошиссиқкуватининг ички регламенти ҳисобланади дейиш мумкин. Бироқ уларда масала аниқравшан ҳол этилмаган, зоро, бир томондан, иссиқлик жиҳозини демонтаж қилиш қонун ҳужжатлари билан тақиқланган, юқорида буни иссиқлик таъминотчилари кўрсатиди, бошқа томондан эса – улар истеъмолчи иситишнинг муқобил манбайни танлашини рад этишмайди.

«ТошшаҳарЭТК» ОАЖнинг позицияси ҳам истеъмолчига умид бахш этмайди, балки янги муаммоларни юзага чиқаради: «электр қувватининг танқислиги муносабати билан кўп квартирали уйларнинг турар жой хоналарида электр билан иситиш назарда тутилмаган». Айни вақтда Тошшаҳар ЭТК мутахассисларининг тушунтиришларича, иситиш мақсадида электрдан фойдаланиш учун истеъмолчилар «Ўзэнергоназорат» ДКнинг рухсатномасини олишлари лозим, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ўрнига иситишнинг муқобил манбаларидан фойдаланиш учун эса Давархитекткурилиш қўмитасининг рухсатномаси ва амалдаги КМК 2.04.17-98 «Турар жой ва умумий бинолар-

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

нинг электр жиҳозларини⁴ қайта кўриб чиқиш лозим. Қисқаси, иситишининг муқобил манбаларидан фойдаланиш тақиқланганни ёки йўқми, жавоб аниқ эмас.

МАСАЛАГА БОЗОР ПОЗИЦИЯЛАРИДАН ТУРИБ ЁНДАШАМИЗМИ?

Кўринадики, иссиқлик жиҳозини демонтаж қилиш меҳанизмини аниқ тартибга солувчи ва бунга имкон берувчи ҳужжат бугунги кунда мавжуд эмас. Тақиқлаш-руҳсат бериш тадбирлари кўпроқ муҳандислий тармоқларини қайта жиҳозлашнинг умумий ҳолларига тааллуқлидир. Бироқ ушбу меъёрлар радиаторларни демонтаж қилиш имконияти бобида батафсиллаштирилган эмас.

Бир томондан, «Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (1996 йил 26 апрелдаги 221-1-сон) 4-моддаси истеъмолчининг товарни (ишни, хизматни) эркин танлаш ва унинг лозим даражада сифатли бўлишига доир хуқуқини белгилайди. Яъни, агар унга сифатсиз хизмат кўрсатилса, ундан воз кечиши ва, бизнинг ҳолатда бўлганидек, иссиқлик таъминотининг бошқа манбани танлаши мумкин. Аслида, кўп квартирали уйда иситишининг муқобил манбалари ичидан локал қозонхона, қуёш батареяси, қозон билан бирликда гелиоқурилма, электр ва газ курилмалари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Бироқ бизнинг кўп квартирали уй-жой фондимизда ягона ва яхлит бўлган марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими устун турди, ундан биргина кичик бўғиннинг олиб ташланиши бутун ҳалқанинг ишини бузиши мумкин. Иссиқлик таъминотчилари учун бу нафақат техник имкониятлар, балки иқтисодий мақсадга мувофиқлик билан ҳам боғлиқ. Иситиши жиҳозининг демонтаж қилиниши нафақат бир талай техник жиҳатларни юзага келтиради, балки яшовчиларнинг баъзилари ўзини ўзи иситишга ўтмоқчи бўлган уй учун иссиқлик ҳажмлари берилиши қисқаришига ҳам олиб келади. Бошқача айтганда, бу – истеъмолчиларни йўқотиш дегани. Шу сабабли масалага ёндашишда иссиқлик таъминотчилари кўпроқ бозор позицияларига амал қиласидар, харидорларни йўқотишни хоҳламасдан коммунал хизмат сотувчилари сифатида чиқадилар. Квартиларда иссиқлик ускунасини демонтаж қилишга оммавий тусда рухсат берилса, мулкдорлар ўз уйларида иситиши муаммосини ҳал қилиш ўрнига оммавий тартибда батареяларни қирқишига тушиб кетмайдилар деб ким кафолат бера олади? Шу сабабли Тошиссиккуватининг позициясида муайян айёрлик бор: улар демонтаж қилиш мумкин эмас, бироқ умуман олганда мумкин, деб жавоб берадилар. Тамомила равшанки, агар бугун қонун ҳужжатлари саволларга аниқ-равшан жавоб бермаса, демак, ушбу регламент оқсамокда, тузишларни талаб қиляпти ва ушбу камчиликларни йўқотиш лозим.


РАДИАТОРЛАРНИ ТИКЛАЙМИЗ – ХЎШ, КЕЙИНЧИ?

